

O'rta Chirchiq tumani "Obod" MFY Qo'qonovul ko'chasi sement-beton qoplamali yo'l qurish

08/23 - sonli SHARTNOMA

Toshkent shahri

"15" 08 2022 yil

Keyingi o'rinlarda Buyurtmachi deb yuritiladigan Toshkent viloyati hokimligi "Yagona buyurtmachi xizmati" Injining Kompaniyasi nomidan direktor E.Abduvaliyev va keyingi o'rinlarda Loyihachi deb yuritiladigan «TOSHKENT YO'L-LOYIHA» MCHJ nomidan Ustav asosida ish yurituvchi direktor X.Rejapov quyidagi shartnomani tuzdilar:

1. Shartnoma predmeti

1.1. Loyihachi Buyurtmachining topshirig'i bo'yicha belgilangan muddatda O'rta Chirchiq tumani "Obod" MFY Qo'qonovul ko'chasi sement-beton qoplamali yo'l qurish ob'yektining ishchi loyiha-smeta hujjatlari, loyiha-qidiruv ishlarini ishlab chiqish va davlat ekspertizasidan o'tkazish majburiyatini, Buyurtmachi esa uni qabul qilib olish majburiyatini o'z zimmasiga oladi.

1.2. Bajariladigan ishlar tasdiqlangan loyiha oldi topshirig'iga asosan amalga oshiriladi.

1.3. Shartnoma loyiha va loyiha-qidiruv ishlarini ishlab chiqishga, loyiha hujjatlarini tegishli ekspertizadan o'tkazish bilan bog'liq ishlarga tuzilgan.

1.4. Shartnoma O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Toshkent viloyati G'aznachiligida ro'yxatdan o'tgan kundan boshlab kuchga kiradi xamda Loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqish va buyurtmachiga topshirish ishlari mazkur shartnomaning 2-ilovasidagi muddatda tugatiladi.

1.5. Loyihachi loyiha-smeta hujjatlariga ijobiy davlat ekspertiza xulosasini olgandan so'ng 5 kun ichida 3 (uch) nusxada loyiha-smeta hujjatlarini va tegishli hujjatlarni Buyurtmachiga taqdim etishi kerak.

2. Shartnoma bahosi va to'lovlar qoidalari

2.1. Ishlarni amalga oshirishning baxosi 1-ilovaga muvofiq 7 000 001 (yetti million bir) so'm, QQS 15% bilan so'mni tashkil qiladi va mazkur shartnomaning 2-ilovasidagi loyiha ishlarini bajarish jadvaliga muvofiq bajariladi.

2.2. Buyurtmachi shartnoma O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Toshkent viloyati G'aznachiligidan ro'yxatdan o'tgandan so'ng xamda "Buyurtmachi"ning ob'yekt bo'yicha shaxsiy hisob varag'iga byudjetdan mablag' tushgandan so'ng 10 kun ichida shartnoma summasing 15% miqdorida avans to'lovini amalga oshiradi.

2.3. Bajarilgan ishlar uchun joriy moliyalashtirish Buyurtmachi va Loyihachi tomonidan dalolatnomalar rasmiylashtirilib "Buyurtmachi"ning ob'yekt bo'yicha shaxsiy hisob varag'iga byudjetdan mablag' tushgandan so'ng 15 kun ichida amalga oshiriladi.

2.4. Loyiha-smeta hujjatlari buyurtmachi tomonidan ko'rib chiqilib, ekspertizaga taqdim etilgandan so'ng, jami ishlar hajmining 70% foiz miqdorigacha ishlar bajarilgan deb qabul qilinadi.

Ob'yekt bo'yicha ekspertiza xulosasi olingandan so'ng va 3 (uch) nusxada loyiha-smeta hujjatlari va loyiha-qidiruv ishlari Buyurtmachiga taqdim etilgandan keyin qolgan mablag' topshirish-qabul qilish dalolatnomasi rasmiylashtirilib, (mazkur shartnomaning 2.3-bandiga asosan) Buyurtmachi'ning ob'yekt bo'yicha shaxsiy hisob varag'iga byudjetdan mablag' tushgandan so'ng moliyalashtiriladi. Bunda "Buyurtmachi" "Loyihachi" oldida to'liq bo'lmagan yoki o'z vaqtida bo'lmagan moliyalashtirish uchun javobgar emas.

2.5. Ishlar qiymati uzil-kesil hisoblanadi va keyinchalik qayta ko'rib chiqilishi mumkin emas, quyidagi hollar bundan mustasno:

ishlar qiymatini ko'paytirishga yengib bo'lmaydigan kuch (fors-major) holatlari sabab bo'lganda;

ishlar hajmi O'zbekiston Respublikasi Xukumatining tegishli qarorlari asosida Buyurtmachi tomonidan o'zgartirilganda.

3. Tomonlar majburiyatlari

3.1. Buyurtmachi:

- barcha ishlar bajarib bo'lingandan keyin belgilangan shartnoma narxining xammasini Loyihachiga to'lashi yoki ishlarning ayrim bosqichlari tugallanganidan keyin shartnoma narxining tegishli qismini to'lashi;

- tayyorlangan loyiha-smeta hujjatlarining yoki bajarilgan qidiruv ishlarining kamchiliklari borligi munosabati bilan uchinchi shaxs tomonidan buyurtmachiga nisbatan qo'zg'atilgan da'vo arizasidan ishda qatnashishga Loyihachi jalb qilishi shart.

3.2. Loyihachi:

- Loyiha va qidiruv ishlarini bajarish uchun dastlabki ma'lumotlarning xaqqoniyligiga, shuningdek loyiha-smeta hujjatlaridagi qabul qilingan loyihaviy yechimlarga javobgardir;

- loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqqandan so'ng loyiha-smeta hujjatlarini davlat ekspertizasi va kompleks ekspertizadan o'tkazishda ishtirok etadi.

- loyiha va qidiruv ishlarini bajarish uchun topshiriqdagi va boshqa dastlabki ma'lumotlardagi talablarga, O'zbekiston Respublikasining tegishli amaldagi qonunlariga hamda boshqa me'yoriy hujjatlarga qat'iy rioya qilishi shart;

- ishlarni loyihalash haqidagi topshiriq va boshqa dastlabki ma'lumotlarga muvofiq bajarishi;

- tayyor bo'lgan loyiha-smeta hujjatlarini buyurtmachi va foydalanuvchi tashkilotlar (shu jumladan suv ta'minoti, elektr tarmoqlari, gaz ta'minoti korxonalari) bilan kelishib olishi shart;

- tayyor bo'lgan loyiha-smeta hujjatlarini va qidiruv ishlari natijalarini shartnomada belgilangan muddatlarda buyurtmachiga topshirishi;

- buyurtmachining roziligsiz loyiha-smeta hujjatlarini uchinchi shaxslarga bermasligi shart.

3.4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 14 noyabrdagi PF-5577-son farmoniga asosan ob'yektni qurishning barcha bosqichlarida mualliflik nazorati majburiydir va Loyihachi shartnoma qiymati doirasida mualliflik nazorati olib borishi shart;

3.5. Loyihachi loyiha-smeta hujjatlarida qabul qilgan loyihaviy yechimlari uchun yohud ularda aniqlangan kamchiliklar uchun javobgardir. Shuningdek keyinchalik qurilish jarayonida, shuningdek tayyorlangan loyiha-smeta hujjatlari va bajarilgan qidiruv ishlari ma'lumotlari asosida barpo etilgan ob'yektni ishlatish jarayonida aniqlangan kamchiliklar uchun javobgar bo'ladi. Loyiha-smeta hujjatlarida yoki qidiruv ishlarida kamchiliklar aniqlangan taqdirda Loyihachi Buyurtmachining talabi bilan loyiha-smeta hujjatlarini bepul qayta ishlab chiqish va shunga muvofiq zarur qo'shimcha qidiruv ishlarini bajarish, shuningdek, agar qonunda yoki shartnomada boshqacha tartib belgilangan bo'lmasa, keltirilgan zararni buyurtmachiga to'lashi shart.

4. Ishlarni topshirish va qabul qilish tartibi

4.1. Bajarilgan ishlarni topshirish va qabul qilish Loyiha-smeta hujjatlarini bajarish loyiha oldi topshirig'i talablariga binoan belgilanadi.

4.2. Ishlar bajarilishining alohida bosqichi va shartnoma bo'yicha belgilangan jami ishlar tugagandan so'ng Loyihachi Buyurtmachiga ishlarni topshirish va qabul qilish dalolatnomasi bilan hujjatlar to'plamini topshiradi.

4.3. Buyurtmachi ishlarni topshirish va qabul qilish dalolatnomasi va mazkur shartnomaning 4.2 bandida ko'rsatilgan hisobot hujjatlarini olgandan so'ng 10 kun mobaynida ishlarni qabul qilish va Loyihachiga imzolangan topshirish va qabul qilish dalolatnomasini yoki ishlarni qabul qilmaslikning asoslangan rad javobini yuborishni o'z zimmasiga oladi.

4.4. Buyurtmachi ishlarni qabul qilmasligining asosli rad javobini bergan holda zarur bo'lgan qo'shimcha ishlarning ro'yxati va ularning bajarilish muddatlarini ko'rsatgan holda, ikki tomonlama dalolatnoma tuziladi.

4.5. Agar ishlarni bajarilish jarayonida uni davom ettirish maqsadga muvofiq emasligi aniqlansa, tomonlar 5 kun muddat ichida uni to'xtatish to'g'risida bir-birini xabardor qilishi va 15 kun ichida ishlarni davom ettirish maqsadga muvofiq yoki muvofiq emasligi to'g'risidagi masalani ko'rib chiqishi shart. Ishlarning to'xtatilishi tomonlar uchun O'zbekiston Respublikasi Fuqarolar kodeksida ko'zda tutilgan oqibatlar va javobgarlikka olib keladi.

4.6. Tomonlardan biri mazkur shartnomada ko'zda tutilgan ishlarni to'xtatish to'g'risida yozma xabar bergan vaqt o'zaro hisob-kitob qilish vaqti hisoblanadi.

4.7. Lozim topilgan hollarda tomonlar xolis ekspertlarga Loyiha bo'yicha xulosa uchun murojaat qilishi mumkin.

5. Konfidensial ma'lumotlarni himoyalash

5.1. Ishlar bajarilishi davrida Loyihachi o'zi konfidensial hisoblanadigan ma'lumotlar ishlab chiqqan yoki ularni Buyurtmachidan olgan hollarda ularni himoyalash, oshkor bo'lishini oldini olish maqsadida tegishli tadbir va choralar ko'radi.

6. Qo'shimcha shartlar

6.1. Loyihachi loyihani muddatidan oldin bajargan holda, Buyurtmachi uni mazkur shartnomaning 4-moddasiga asosan qabul qiladi va o'rnatilgan tartibda to'lovni amalga oshiradi.

6.3. Shartnomaga tomonlar roziligi asosida, yozma ravishda o'zgartirishlar va qo'shimchalar kiritilishi mumkin.

6.4. Loyihachi shartnomada ko'rsatilgan ishlarni bajarish uchun, Buyurtmachini belgilangan tartibda ma'lum qilgan holda, uchinchi shaxslarni jalb qilish huquqiga ega.

6.5. Buyurtmachi tomonidan dastlabki to'lov o'z vaktida o'tkazilmagan xolda kechiktirilganda ishlarni tugallash muddati to'lov yoxud taqdim kechiktirilgan vaqtga qadar uzaytiriladi.

6.6. Buyurtmachi tomonidan to'lovlar bilan bog'liq o'z majburiyatlari kechiktirilgan har bir kun uchun majburiyatlarning bajarilmagan qismining 0,4 foizi miqdorida penya to'lanadi, bunda penyaning umumiy summasi bajarilmagan ishlar yoki ko'rsatilmagan xizmatlar qiymatining 50 foizidan oshmasligi lozim, bunda Buyurtmachiga bog'liq bo'lmagan holatlar bundan mustasno.

6.7. Loyihachi tomonidan loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash va buyurtmachiga topshirish o'z vaqtida bajarilmay majburiyatlar buzilgan bo'lsa, Loyihachi Buyurtmachiga muddati o'tkazib yuborilgan har bir kun uchun majburiyatlarning bajarilmagan qismining 0,5 foizi miqdorida penya to'laydi, biroq bunda penyaning umumiy summasi bajarilmagan ishlar yoki ko'rsatilmagan xizmatlar qiymatining 50 foizidan oshmasligi lozim;

6.8. To'langan penya yoki jarimalar tomonlarni ushbu shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarishdan ozod qilmaydi.

6.9. Ushbu shartnoma o'zbek tilida ikki nusxada tuzildi.

6.10. Mazkur shartnoma tomonlar o'z majburiyatlarini to'liq bajarguncha qadar xamda 2022 yil 31 dekabrgacha amal qiladi.

6.11. Shartnomaga quyidagilar ilova qilinadi:

- Shartnoma bahosining kelishuvi bayonnomasi (1-ilova)
- Loyiha-smeta va qiduruv ishlarini bajarish uchun kalendar rejasi (2-ilova)
- Loyiha va qidiruv ishlari narxini aniqlash smetasi (3-ilova)
- Kafolat xati (4-ilova)

7. Korrupsion holatlarni bartaraf etish

7.1 Shartnoma yuzasidan ishlarni amalga oshirish jarayonida tomonlar tomonidan manfaatlar to'qnashuvini yuzaga keltirishga (ta'magirlik, asossiz ravishda muddatlarni cho'zish, normativ hujjatlarga rioya etmaslik, sansolarlikka yo'l qo'yish) yo'l qo'ymaslik shart.

7.2 Taraflarning biri tomonidan korrupsion holatlarga da'vat qilishlik, ikkinchi tomon zimmasiga darhol mazkur holat yuzasidan kompaniya rahbariga yozma shaklda habardor qilish majburiyatini yuklaydi. (ishonch telefoni: kompleans nazorat 99-890-22-90)

8. Tomonlarning manzili va hisob raqamlari

“Buyurtmachi”

Toshkent viloyati “Yagona buyurtmachi xizmati”
Injining kompaniyasi

Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi 90,
Sh/hr: 39452106029901704572814844

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

G'aznachiligining Amaliyot boshqarmasi

h/r: 23402000300100001010

MFO 00014

STIR 202 230 110

MB Toshkent shahar bo'yicha BBXKM

Direktor  E. Abduvaliyev

Yurist maslaxatchi 

“Loyihachi”

«TOSHKENT YO'L-LOYIHA» MCHJ

Toshkent sh, Arnasoy ko'chasi 7a-uy,
h/r 20208000100447488001,
ATB “Hamkorbank”, Yakkasaroy filiali,
MFO 01013, STIR 303246514,
OKED 71110
tel: +99890 000-61-00; +99899 000 61 00;
e-mail: toshkentyol-loyiha@mail.ru

Direktor:  X. Rejapov



2022 yil « 15 » 08 dagi
08/23 -sonli shartnomaga 1- ilova

Shartnoma bahosining kelishuv

BAYONNOMASI


Biz, quyida imzo chekuvchilar **O'rta Chirchiq tumani "Obod" MFY Qo'qonovul ko'chasi sement-beton qoplamali yo'l qurish** ob'ekti bo'yicha 2022 yil « 15 » 08 dagi 08/23-sonli shartnoma bahosi 7 000 001 (yetti million bir) QQS 15% bilan, so'mga teng deb kelishilganini tasdiqlaymiz.

Ushbu bayonnoma Buyurtmachi va Loyihachi o'rtasida o'zaro hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun asos hisoblanadi.

"Buyurtmachi"

Toshkent viloyati hokimligi
**"Yagona buyurtmachi xizmati" Injiniring
Kompaniyasi**

Direktor



E. Abduvaliyev

"Loyihachi"

«TOSHKENT YO'L-LOYIHA» MCHJ

Direktor



X. Rejapov

2022 yil « 15 » 08 dagi
08/23-sonli shartnomaga 2- ilova

Loyiha-smeta va qiduruv ishlarini bajarish uchun
KALENDAR REJASI

T/p	Shartnoma bo'yicha ishlar nomi	Bajarish muddati	Hisob-kitob narxi, so'mda
1	O'rta Chirchiq tumani "Obod" MFY Qo'qonovul ko'chasi sement-beton qoplamali yo'l qurish ob'yektining ishchi loyiha-smeta hujjatlari, loyiha-qidiruv ishlarini ishlab chiqish va shaharsozlik ekspertizasidan o'tkazish	Boshlang'ich to'lov amalga oshirilgandan so'ng 20 kun	7 000 001 (yetti million bir) so'mni tashkil qiladi, QQS 15% bilan

"Buyurtmachi"

Toshkent viloyati hokimligi
"Yagona buyurtmachi xizmati" Injiniring
Kompaniyasi

Direktor  E. Abduvaliyev

"Loyihachi"

«TOSHKENT YO'L-LOYIHA» MCHJ

Direktor  X. Rejapov

Loyiha va qidiruv ishlari narxini aniqlash smetasi

O'rta Chirchiq tumani "Obod" MFY Qo'qonovul ko'chasi sement-beton qoplamali yo'l qurish ob'yektining ishchi loyiha-smeta hujjatlari, loyiha-qidiruv ishlarini ishlab chiqish va davlat ekspertizasidan o'tkazish.

Loyihalash tashkilotining nomi - «TOSHKENT YO'L-LOYIHA» MCHJ
Buyurtmachi tashkilotining nomi - Toshkent viloyati hokimligi
"Yagona buyurtmachi xizmati" Injining Kompaniyasi

№ pp	Bino nomi, tuzilishi va ish nom	Qo'llaniladigan stavkani asoslash	Xarajatlarni hisoblash (so'm) da
1.	O'rta Chirchiq tumani "Obod" MFY Qo'qonovul ko'chasi sement-beton qoplamali yo'l qurish Shu jumladan: Shaharsozlik ekspertizasi Топохарита Техник кўрик Obekt tahminiy qiymati QQS bilan 595 500 000 so'm	Buyruq 19.08.2019 yildagi 396-son O'zbekiston Respublikasi qurilish vazirligi Ilova №3 toifali Murakkablik toifasi - II K -2.5	$595\,500\,000 \times 2,5\% = 14\,887\,500$ Tanlov natijalariga asosan shartnoma qiymati 7 000 001 so'm Shu jumladan QQS 913 043.60 so'm

Smeta bo'yicha jami: 7 000 001 (yetti million bir) so'mni tashkil qiladi, QQS 15% bilan

Loyiha Tashkiloti Rahbari:



X.Rejapov

Loyiha bosh muhandisi:



X. Rejapov

Toshkent viloyati hokimligi
“Yagona buyurtmachi xizmati”
Injining kompaniyasi
direktori E.Abduvaliyevga

K A F O L A T X A T I

O‘rta Chirchiq tumani “Obod” MFY Qo‘qonovul ko‘chasi sement-beton qoplamali yo‘l qurish obyekti bo‘yicha «TOSHKENT YO‘L-LOYIHA» MCHJ loyiha tashkilotimiz tomonidan tayyorlanib ekspertizadan o‘tkazilgan va buyurtmachiga topshirilgan loyiha-smeta hujjatlari amaldagi shaharsozlik me‘yorlari va SHNQ talablari asosida to‘liq ishlab chiqilganligini, loyiha-smeta hujjatlaridagi fizik ish hajmlari va ishchi loyihalar bir-biriga to‘g‘ri kelishini, shuningdek tanlov (tender) savdolari uchun taqdim etilgan fizik ish hajmlari va loyiha chizmalari bir-biriga to‘g‘ri kelishini va to‘liq topshirilishini kafolatlaymiz.

Agarda biz tomondan ishlab chiqilgan loyiha hujjatlari va fizik ish hajmlari bir-biriga mos kelmasligi, loyiha-smeta hujjatlarida qabul qilingan loyihaviy yechimlar yoki ularda aniqlangan kamchiliklar uchun loyiha tashkilotimiz javobgarligi to‘g‘risida ogohlantirildik.

Loyiha tashkiloti direktori



X.Rejapov

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 127951 на приобретение Ўрта Чирчиқ тумани "Обод" МФЙ Қўқоновул кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш (Лойиҳа-қидирув ишлари ва шаҳарсозлик экспертизаси билан биргаликда) ҚҚС билан

Способ проведения электронный

Дата 10.08.2022

Время рассмотрения 05.08.2022 20:21

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти ЯБХИК, (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	DJUMABAYEV SHERALI XASHIMOVICH	Bosh muhandis	Toshkent viloyat hokimligi “Yagona buyurtmachi xizmati” Injiniroing kompaniyasi
Секретарь комиссии	ABDURAXMONOV SAMANDAR ABDUJALILOVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
Член комиссии	ABRALOV BAXROM BAXODIR O‘G‘LI	Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хўжжатлари ва танлов хўжжатларини тайёлаш бўлими бошлиғи	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
Член комиссии	GANIYEV RAUF GANIYEVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
Член комиссии	SANNIYEV G‘ULOM SAYDULLAYEVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи ўринбосари	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
Председатель комиссии	ABDUVALIYEV ELDOR PULATOVICH	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори	“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.08.2022 года № лота 127951.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Ўрта Чирчиқ тумани "Обод" МФЙ Қўқоновул кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш бщйича Лойиҳа-қидирув ишлари ва шаҳарсозлик экспертизаси билан биргаликда бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	14 875 000.00

Стартовая сумма	14 875 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот

Тип: Текстовое значение

Описание: 1) Лицензия мавжудлиги 2) Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3) 5 йил иш стажига эга 5 нафар ва ундан юқори бўлган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги (Ф.И.Ш., лавозими ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақида тўлиқ маълумот, QR коди билан.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	15	15	13	Экспертная		
ООО TOSHKENT YO'L-LOYIHA	15	Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот	13	Экспертная		
ООО YO L LOYIHA GULISTON	15	15	10	Экспертная		

Критерий №2 Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ҳамда худуд билан танишганлиги тўғрисида кафолат хати тақдим этиш. (Объект мавжуд ҳолатидан фотосуратлар илова қилинсин)

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ҳамда худуд билан танишганлиги тўғрисида кафолат хати тақдим этиш. (Объект мавжуд ҳолатидан фотосуратлар илова қилинсин)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO'L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	15	15	8	Экспертная		
ООО TOSHKENT YO'L-LOYIHA	15	Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ҳамда худуд билан танишганлиги тўғрисида кафолат хати тақдим этиш. (Объект мавжуд ҳолатидан фотосуратлар илова қилинсин)	15	Экспертная		
ООО YO L LOYIHA GULISTON	15	15	8	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат

хатининг мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	5	5	5	Экспертная		
OOO TOSHKENT YO`L-LOYIHA	5	Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги.	0	Экспертная		
OOO YO L LOYIHA GULISTON	5	5	0	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жадвали ҳамда ишларни сифатли ва муддатида бажарилиши бўйича кафолат хати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш муддати аниқ кўрсатилсин ҳамда ишларни сифатли ва муддатида бажарилиши бўйича кафолат хати тақдим этилсин. (наъмунавий шаклда кўрсатилган қўшимча талаб этиладиган хужжатлар илова қилинади)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	5	5	0	Экспертная		
OOO TOSHKENT YO`L-LOYIHA	5	Лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жадвали ҳамда ишларни сифатли ва муддатида бажарилиши бўйича кафолат хати.	5	Экспертная		
OOO YO L LOYIHA GULISTON	5	5	5	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган зарур бўлган асбоб-анжомлар ва компьютер техникалари мавжудлиги (тасдиқловчи хужжатлари ҳамда фотосуратлари билан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган зарур бўлган асбоб-анжомлар ва компьютер техникалари мавжудлиги (тасдиқловчи хужжатлари ҳамда фотосуратлари билан)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	15	15	10	Экспертная		
OOO TOSHKENT YO`L-LOYIHA	15	Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган зарур бўлган асбоб-анжомлар ва компьютер техникалари мавжудлиги (тасдиқловчи хужжатлари ҳамда фотосуратлари билан)	12	Экспертная		
OOO YO`L LOYIHA GULISTON	15	15	10	Экспертная		

Критерий №6 Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг мазкур турдаги объектлар учун берилган ва ундан юқори тоифадаги лицензияси ҳамда ташкилотнинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг мазкур турдаги объектлар учун берилган ва ундан юқори тоифадаги лицензияси ҳамда ташкилотнинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	5	5	5	Экспертная		
OOO TOSHKENT YO`L-LOYIHA	5	лицензияси	5	Экспертная		
OOO YO`L LOYIHA GULISTON	5	5	5	Экспертная		

Критерий №7 Танлов иштирокчисининг охириги 3 йилда давлат буюртмачилиги асосида бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловга қўйилган профилга ўхшаш объектлар бўйича охириги 3 йилдаги давлат буюртмачилиги асосида бажарган ишлари. (Экспертиза хулосаларидан нусха тақдим этилади). (Корхонанинг ўз муддатида ва сифатли яқунланмаган ишлари ҳамда буюртмачилар хулосаси комиссия томонидан инобатга олинади).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	20	20	14	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TOSHKENT YO`L-LOYIHA	20	Танлов иштирокчисининг охирги 3 йилда давлат буюртмачилиги асосида бажарган иш тажрибаси	17	Экспертная		
ООО YO L LOYIHA GULISTON	20	20	17	Экспертная		

Критерий №8 Танлов иштирокчисининг молиявий холати охирги 3 йилдаги молиявий хисоботлари асосида

Тип: Текстовое значение

Описание: 1) Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50,0 млн. сўм ва ундан кўп 2) Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги 3) Ўтган йилда 30,0 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги 4) Картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги 5) Солиқдан қарзи мавжуд эмаслиги. 6) Давлат солиқ инспекциясидан охирги 3 йиллик баланс (тасдиқланган холда)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	20	20	15	Экспертная		
ООО TOSHKENT YO`L-LOYIHA	20	Танлов иштирокчисининг молиявий холати охирги 3 йилдаги молиявий хисоботлари асосида	17	Экспертная		
ООО YO L LOYIHA GULISTON	20	20	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО YO L LOYIHA GULISTON	14 875 000.00	14 800 000.00 UZS	14 800 000.00	00.00	14 800 000.00	02.08.2022 14:13:15	14.19
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	14 875 000.00	7 000 001.00 UZS	7 000 001.00	00.00	7 000 001.00	29.07.2022 20:20:18	30.00
ООО TOSHKENT YO`L-LOYIHA	14 875 000.00	14 577 500.00 UZS	14 577 500.00	00.00	14 577 500.00	01.08.2022 09:32:53	14.41

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО YO`L LOYIHA GULISTON	49	14.19	63.19
YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ	49	30	79
ООО TOSHKENT YO`L-LOYIHA	58.8	14.41	73.21

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 127951 от 10.08.2022 года на приобретение Ўрта Чирчиқ тумани "Обод" МФЙ Қўқоновул кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш (Лойиҳа-қидирув ишлари ва шаҳарсозлик экспертизаси билан биргаликда) ҚҚС билан определила победителем:

YO`L LOYIHA TARAQQIYOT MCHJ
306714958

и резервный исполнитель: ООО TOSHKENT YO`L-LOYIHA (303246514)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDUVALIYEV ELDOR PULATOVICH	Согласен	
Член комиссии	DJUMABAYEV SHERALI XASHIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABRALOV BAXROM BAXODIR O`G`LI	Согласен	
Член комиссии	SANNIYEV G`ULOM SAYDULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент вилояти ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси директори
Э.Абдувалиев

2022 йил “15” август

Тошкент вилоятида ички кўчаларни цемент-бетон қопламали йўл қуриш объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича, лойиҳа ташкилотини танлаш юзасидан танлов комиссияси йиғилишининг

1/3-8-сонли БАЁННОМАСИ

2022 йил “15” август

Тошкент вилояти

Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг 2022 йил 3-мартдаги 11/А-АФ-сонли буйруғи билан тасдиқланган пудрат эркин танловларини ўтказувчи доимий ишловчи комиссияси таркиби:

Комиссия раиси:

Э.Абдувалиев “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори;

Комиссия аъзолари:

Ш.Джумабоев “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бош муҳандиси;

М.Рохатов Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш, шунингдек, вилоят ҳудудларидаги техник назорат бўйича мутахассислар бўлими бошлиғи ўринбосари;

С.Абдурахмонов Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи ўринбосари;

Б.Абралов Бирламчи руҳсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи;

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўрта Чирчиқ тумани "Тараққиёт" МФЙ Олимжон ота кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

2. Чиноз тумани "Сутчилар" МФЙ Марифат кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

3. Ўрта Чирчиқ тумани "Обод" МФЙ Қўқоновул кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

4. Бўка тумани "Бунёдкор" МФЙ Олмазор кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

5. Нурафшон шаҳар "Дегантепа" МФЙ Қора кўйли-2 кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

6. Нурафшон шаҳар "Хуррият" МФЙ Пахтакор кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

7. Нурафшон шаҳар "Хуррият" МФЙ Хуррият кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

8. Ангрен шаҳар "Жигаристон" МФЙ Жигаристон кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда лойиҳа ташкилотини аниқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи ўринбосари С.Абдурахмонов маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 майдаги "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ВМ-276-сон Қарорининг 100 бандида икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва давлат буюртмачиси билан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши белгиланган.

Аммо www.etender.uzex.uz электрон платформасида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштириш жойи мавжуд эмаслиги сабабли баённома чиқаришни имконият мавжуд эмас.

Тегишли мажлиси электрон баённомаси мавжуд эмаслигини инобатга олиб молиялаштириш ишларини очиш учун кун тартибидаги масалалалар юзасидан:

- 2022 йил 11 август кундаги электрон баённомага асосан Ўрта Чирчиқ тумани "Тараққиёт" МФЙ Олимжон ота кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ ғолиб деб топилган.

- 2022 йил 11 август кундаги электрон баённомага асосан Чиноз тумани "Сутчилар" МФЙ Марифат кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "MODERN ROAD PROJEKT" МЧЖ ғолиб деб топилган.

- 2022 йил 9 август кундаги электрон баённомага асосан Ўрта Чирчиқ тумани "Обод" МФЙ Қўқоновул кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ғолиб ташкилот ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун,

захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ 2022 йил 10 август кунидаги электрон баённомага асосан ғолиб деб топилган.

- 2022 йил 9 август кундаги электрон баённомага асосан Бўка тумани "Бунёдкор" МФЙ Олмазор кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ғолиб ташкилот ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "MODERN ROAD PROJECT" МЧЖ 2022 йил 10 август кунидаги электрон баённомага асосан ғолиб деб топилган.

- 2022 йил 9 август кундаги электрон баённомага асосан Нурафшон шаҳар "Дегантепа" МФЙ Қора қўйли-2 кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ғолиб ташкилот ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ 2022 йил 10 август кунидаги электрон баённомага асосан ғолиб деб топилган.

- 2022 йил 9 август кундаги электрон баённомага асосан Нурафшон шаҳар "Хуррият" МФЙ Пахтакор кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ғолиб ташкилот ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ 2022 йил 10 август кунидаги электрон баённомага асосан ғолиб деб топилган.

- 2022 йил 9 август кундаги электрон баённомага асосан Нурафшон шаҳар "Хуррият" МФЙ Хуррият кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ғолиб ташкилот ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ 2022 йил 10 август кунидаги электрон баённомага асосан ғолиб деб топилган.

- 2022 йил 9 август кундаги электрон баённомага асосан Ангрен шаҳар "Жигаристон" МФЙ Жигаристон кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ғолиб ташкилот ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ 2022 йил 10 август кунидаги электрон баённомага асосан ғолиб деб топилган.

Юқоридаги объектга ўтказилган танлов якунлари бўйича иштирокчилардан 2 иш кунида эътирозлар тушмаганлиги инобатга олган ҳолда буюртмачи талабларига мос лойиҳа ташкилоти деб топилиб, комиссия аъзолари томонидан бир овоздан мақулланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилишда билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, танлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўрта Чирчиқ тумани "Тараққиёт" МФЙ Олимжон ота кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

2. Чиноз тумани "Сутчилар" МФЙ Марифат кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича "MODERN ROAD PROJECT" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

3. Ўрта Чирчиқ тумани "Обод" МФЙ Кўрқоновул кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ғолиб ташкилот "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

4. Бўка тумани "Бунёдкор" МФЙ Олмазор кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ғолиб ташкилот "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "MODERN ROAD PROJECT" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

5. Нурафшон шаҳар "Дегантепа" МФЙ Қора қўйли-2 кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ғолиб ташкилот "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

6. Нурафшон шаҳар "Хуррият" МФЙ Пахтакор кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ғолиб ташкилот "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

7. Нурафшон шаҳар "Хуррият" МФЙ Хуррият кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ғолиб ташкилот "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ ғолиб деб топилсин.


8. Ангрен шаҳар "Жигаристон" МФЙ Жигаристон кўчаси цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ғолиб ташкилот "YO`L LOYIHA TARAQQIYOT" МЧЖ ўз ихтиёри билан рад қилганлиги учун, захира ғолиби "TOSHKENT YO`L-LOYIHA" МЧЖ ғолиб деб топилсин.

9. Юқоридаги ғолиб деб топилган ташкилотлар лойиҳа-смета ҳужжатларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги 4812-сонли қарорига мувофиқ, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан фойдалансин.


10. "Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш" бўлими ўтказилган танлов натижалари асосида юқорида қайд этилган объектларга тегишли тартибда ташкилотлар билан шартнома имзоласин.

Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб топилиб, комиссия аъзолари:

Ш.Джумабоев



М.Рохатов



С.Абдурахмонов



Б.Абралов



Тошкент вилоятги ховардаликнинг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида
бюджетга маблағлари ҳисобдан амалга оширилган
Цементно бетон қопламни йўлларни қурилиши бўйича
2022 йилда учун МАНЗИЛНИ РЎЙХАТИ
(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 июлдаги ПҚ-249-сонли қарори ва 2022 йил 7 июлдаги Хат/Қарорлари Тошкент вилоятининг кенгашининг қарори)

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш босқичи ва фойдаланиш шартлари	Ўзлаштирилган участканинг умумий кўлемини (шарҳнома жумладан, бўғалдан бошқа харақатлари)	01.01.22г. ҳолатига объект қолдир қиймати жумладан, бўғалдан бошқа харақатлари	01.01.22г. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (айта қилиб) қиймати жумладан, бўғалдан бошқа харақатлари	01.01.22г. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати жумладан, бўғалдан бошқа харақатлари	2022 йилда учун капитал қўйишлар даражаси		2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23г. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати жумладан, бўғалдан бошқа харақатлари	01.01.23г. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати жумладан, бўғалдан бошқа харақатлари	Энергетика уюмаси рақами ва санои	Ташар (ташар) логистика бўйича баёнода рақами ва санои	19	
							Жами капитал қўйишлар	Кўриштирилган ишлари	Буюртмачи бошқа харақатлари	Жами харақатлари						Қувағ ҳудуд
47	ЖАМИ ХАММАСИ:		50 км				29700,250	28203,581	742,506							
4	Ангрэн шаҳар		5,0 км				2945,250	2871,619	73,631							
1	"Наврўз-1", "Янги Бон", "Сурх, Беруний МФЙларни кесиб ўтувчи А.Ясавий кўчаси	2022й	2,4 км				1428,000	1392,300	35,700							"Батака муҳандис ёғуз" МЧЖ
2	"Жигаристон" МФЙ Жигаристон кўчаси	2022й	0,9 км				535,500	522,113	13,388							"Батака муҳандис ёғуз" МЧЖ
3	"Ўлбос" МФЙ Анхор ва Бўстон кўчалари	2022й	1,25 км				743,750	725,156	18,594							"Батака муҳандис ёғуз" МЧЖ
4	"Наврўз" МФЙ С.Раҳимов кўчаси	2022й	0,40 км				238,000	232,050	5,950							"Батака муҳандис ёғуз" МЧЖ
5	Бесақол шаҳар		5,0 км				2955,000	2881,125	73,875							
1	"Янгикав" МФЙ Фарход-1 кўчаси	2022й	1,64 км				971,604	947,314	24,290							"Ғаровон Бунёдкор ishonch" МЧЖ
2	"Металдур" МФЙ Нурафшон кўчаси	2022й	1,174 км				693,834	676,488	17,346							"Ғаровон Бунёдкор ishonch" МЧЖ
3	"Металдур" МФЙ Гулистон кўчаси	2022й	1,35 км				797,850	777,904	19,946							"Ғаровон Бунёдкор ishonch" МЧЖ
4	Мустанкининг 27 йиллиги кўчаси	2022й	0,35 км				206,850	201,679	5,171							"Ғаровон Бунёдкор ishonch" МЧЖ
5	"Сайхун" МФЙ Низомий кўчаси	2022й	0,482 км				284,862	277,740	7,122							"Ғаровон Бунёдкор ishonch" МЧЖ
5	Нурафшон шаҳар		5,0 км				2975,000	2900,625	74,375							
1	"Хуррият" МФЙ Хуррият кўчаси	2022й	1,0 км				595,000	580,125	14,875							"Ozoda MR T" МЧЖ
2	"Хуррият" МФЙ Пахтакор кўчаси	2022й	1,0 км				595,000	580,125	14,875							"Ozoda MR T" МЧЖ
3	"Обод Шухрат" МФЙ Шох Шухрат кўчаси	2022й	0,7 км				416,500	406,088	10,413							"Ozoda MR T" МЧЖ
4	"Депангема" МФЙ Қора кўйли кўчаси	2022й	1,2 км				714,000	696,150	17,850							"Ozoda MR T" МЧЖ
5	"Депангема" МФЙ Қора кўйли-2 кўчаси	2022й	1,1 км				654,500	638,138	16,363							"Ozoda MR T" МЧЖ

МДН.С.М

№	Объектлар номи ва мавқини	Курчиси бошланishi ва фойдаланиш ташарishi йили	Локация кўчаси	Объёсининг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, бюджетли бошқа харажатлари	01.01.22й. қолғида йилдан йилга ўтувчи объектининг (байра хисобидан бўлади) жумладан, бюджетли бошқа харажатлари	01.01.22й. қолғида йилдан йилга ўтувчи объектининг (байра хисобидан бўлади) жумладан, бюджетли бошқа харажатлари	01.01.22й. қолғида йилдан йилга ўтувчи объектининг (байра хисобидан бўлади) жумладан, бюджетли бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал кўйимчалар димитри											
								2022 йилда фойдаланишига топширилган		2022 йилда фойдаланишига топширилган		2022 йилда фойдаланишига топширилган		2022 йилда фойдаланишига топширилган		2022 йилда фойдаланишига топширилган			
								Жами капитал кўйимчалар	Курчиси қолғида ишлари	Жаноз	Бюджетчи бошқа харажатлари	Жумладан, сарфлаши харажатлари	Қувиат мулкати	Асосий фонд суммаси	01.01.22й. қолғида йилдан йилга ўтувчи объектининг (байра хисобидан бўлади) жумладан, бюджетли бошқа харажатлари	01.01.22й. қолғида йилдан йилга ўтувчи объектининг (байра хисобидан бўлади) жумладан, бюджетли бошқа харажатлари	Эксплуатация учун расми рақам ва санаси	Токсир (тако)лар нархисига бўйича баёнинома рақами ва санаси	Ташево номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
	1																		
	Оқанг'арон шаҳар		5,0 км				2975,000	2900,625		74,375									
1	"Қўрғон" МФЙ Оқанг'арон кўчаси	2022й	1,5 км				892,500	870,188		22,313									"Bataka muhandis fa'uz" МЧЖ
2	"Қўрғон" МФЙ Бахт кўчаси	2022й	1,0 км				595,000	580,125		14,875									"Bataka muhandis fa'uz" МЧЖ
3	"Хонобод" МФЙ Фидокор кўчаси	2022й	0,50 км				297,500	290,063		7,438									"Bataka muhandis fa'uz" МЧЖ
4	"Ешлик" МФЙ 4-кинчи ноҳия кўчаси	2022й	0,50 км				297,500	290,063		7,438									"Bataka muhandis fa'uz" МЧЖ
5	"Ваган" МФЙ Х.Дўстлиги кўчаси	2022й	0,60 км				357,000	348,075		8,925									"Bataka muhandis fa'uz" МЧЖ
6	"Навбахор" МФЙ Шодлик кўчаси	2022й	0,90 км				535,500	522,113		13,388									"Bataka muhandis fa'uz" МЧЖ
3	Бексбад тумани		5,0 км				2975,000	2900,625		74,375									"Ravon engineering" МЧЖ
1	"Ешлик" 2 МФЙ Улувор кўчаси	2022й	2,0 км				1190,000	1160,250		29,750									"Ravon engineering" МЧЖ
2	"Ешлик" 2 МФЙ Ибрат кўчаси	2022й	1,1 км				654,500	638,138		16,363									"Ravon engineering" МЧЖ
3	"Ешлик" 2 МФЙ Гулгуна кўчаси	2022й	1,9 км				1130,500	1102,238		28,263									"Ravon engineering" МЧЖ
5	Бўёк тумани		5,0 км				2975,000	2146,463		74,375									
1	"Гулiston" МФЙ Фурзлий кўчаси	2022й	1,30 км				773,500			19,338									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
2	"Олтмиш" МФЙ Буюк илак йўли кўчаси	2022й	1,20 км				714,000	696,150		17,850									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
3	"Жагайбайин" МФЙ Ешлар кўчаси	2022й	0,50 км				297,500	290,063		7,438									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
4	"Бунёлкор" МФЙ Олмазор кўчаси	2022й	1,0 км				595,000	580,125		14,875									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
5	"Бунёлкор" МФЙ Ўнгистон кўчаси	2022й	1,0 км				595,000	580,125		14,875									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
5	Пискент тумани		5,0 км				2975,000	2900,625		74,375									
1	"Гулiston" МФЙ Ўнгистон кўчаси	2022й	1,10 км				654,500	638,138		16,363									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
2	"Файзобод" МФЙ Обод кўчаси	2022й	0,90 км				535,500	522,113		13,388									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
3	"Оқтепа" МФЙ Булгобоши кўчаси	2022й	1,00 км				595,000	580,125		14,875									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
4	"Мулотаби" МФЙ Наууна кўчаси	2022й	1,00 км				595,000	580,125		14,875									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ
5	"Ахил" МФЙ Ат-Термизий кўчаси	2022й	1,00 км				595,000	580,125		14,875									"Olimpiya beton qurilish" МЧЖ

№	Объектлар номи ва манзили	Кирлиши бошланғи ва фойдаланиш шарафтошлари нили	Локация кўчалари	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошида харажатлари	01.01.22й. холатга объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошида харажатлари	01.01.22й. холатга йилдан йилга ўтгани объектнинг (байта хисоблаш бўлими) жумладан, буюртмачи бошида харажатлари	01.01.22й. холатга йилдан йилга ўтгани объектнинг қийматлиги жумладан, буюртмачи бошида харажатлари	2022 йил учун капитал кўчирмалар лимити		2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.22й. холатга йилдан йилга ўтгани объектнинг (байта хисоблаш бўлими) қиймати жумладан, буюртмачи бошида харажатлари	01.01.22й. холатга йилдан йилга ўтгани объектнинг қийматлиги жумладан, буюртмачи бошида харажатлари	Экспертлар ўзбекча рақами на санаси	Ташар (танлов)лар натижасида бўлиши белгиланадиган рақами на санаси	Таъинлов номи			
								8	9	10							13	14	
										Жанр	Жанр								11
6	Ўрта Чирчиқ тумани	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	"Тараққиёт" МФЙ Олимжон ота кўчаси	2022й	0,55 км					327,250	319,069		8,181								"Geo story prestij" МЧЖ
2	"Усмон ота" МФЙ Усмон ота, Гулдор ва Қароқон кўчалари	2022й	0,85 км					505,750	493,106		12,644								"Geo story prestij" МЧЖ
3	"Тинчлик" МФЙ Мурувга ва Нурди кўча кўчалари	2022й	1,20 км					714,000	696,150		17,850								"Geo story prestij" МЧЖ
4	"Файзабод" МФЙ Науша кўчаси	2022й	0,50 км					297,500	290,063		7,438								"Geo story prestij" МЧЖ
5	"Ўрта овул" МФЙ Диннаво кўчаси	2022й	0,90 км					535,500	522,113		13,388								"Geo story prestij" МЧЖ
6	"Обод" МФЙ Кўкнолул кўчаси	2022й	1,00 км					595,000	580,125		14,875								"Geo story prestij" МЧЖ
3	Чиноз тумани		5,0 км					2975,000	2900,625		74,375								
1	"Пахтабод" МФЙ Пахтабод кўчаси	2022й	1,838 км					1093,610	1066,270		27,340								"Inso" МЧЖ
2	"Бешкапа" МФЙ Марғункор кўчаси	2022й	1,846 км					1098,370	1070,911		27,459								"PMK-33" МЧЖ
3	"Сўтчилар" МФЙ Маридаг кўчаси	2022й	1,316 км					783,020	763,445		19,576								"PMK-33" МЧЖ
5	Ялғиғул тумани		5,0 км					2975,000	2900,625		74,375								
1	"Ғайба" МФЙ	2022й	1,0 км					595,000	580,125		14,875								"Inso" МЧЖ
2	"Чаманзор" МФЙ	2022й	1,0 км					595,000	580,125		14,875								"Inso" МЧЖ
3	"Писталик" МФЙ	2022й	1,0 км					595,000	580,125		14,875								"Inso" МЧЖ
4	"Гулбахор" МФЙ	2022й	1,0 км					595,000	580,125		14,875								"Inso" МЧЖ
5	"Обод" МФЙ	2022й	1,0 км					595,000	580,125		14,875								"Inso" МЧЖ



Тошкент вилояти ҳокимлиги
"Ягона бўйрутмачи хизмати" инжиниринг компанияси
Директори

Э.Абдуваллиев
2022 й

Тошкент вилояти
Молия бош бўлими раиси бошлиғи

О.Халиқуллов
2022г.й.

